



Хар йили Потсдамга минглаб сайёхлар ташриф буюришади. Уларнинг максоди экзотика, кадимий ёдгорликлар, касрларни томоша килиш, гўзал паркларни айланишдангина иборат эмас. Айни шу шаҳарда иккинчи жаҳон урушини якунлаб берган конференция ташкил этилган. 1913—1916 йиллар оралигида куриб битказилган инглиз услубидаги Ситсилиэнхоф калъасида ўша пайтдаги катта учлик давлатлари раҳбарлари Сталин, Трумен ва Черчилл (1945 йилнинг 28 июлидан бошлаб унинг ўрнига К.Эттли иштирок этган) учрашишган ва уруш тақдирини хал килишганди.

Шунинг учун ҳам туристлар Европанинг ушбу митти нуктасини кўп бор зиёрат килишни ўзларига катта ташвиш деб билмайдилар.

ГДР (Германия Демократик Республикаси — 1949 йил 7 октябрда ташкил топган) даврида халқаро меҳмонхона вазифасини ўтаб берган бефайз бино таъмирдан сўнг кўхна чиройини яна бир бор намоён этди. Германиялар бирлашгач эса таништирув-тушунтирувларнинг ҳам оҳанги(тони) ўзгарди. Энди гидлар Кизил Армиянинг кудратига эмас, балки совет империясининг репрессив характериға катта ургу бера бошладилар. Умуман олганда, катталар учрашуви учун бу жойни танлаш тасодифан юз берган. Шартға кўра, улар Германия ҳудудидаги ва Берлин атрофидаги бирор-бир пунктда йигилишлари керак эди. Сабаби пойтахт деярли харобаға айланганди. Шундан келиб чикиб, маршал Жуков (Совет Армиясининг бош кўмондони) хар томонлама қулай бўлган Потсдамни танлашни жоиз деб топди. Давлатлар делегатсиялари Ситсилиэнхоф калъасидан унча узок бўлмаган дарё киргоғида омон қолган бир нечта виллаларда кўним топишди.

Гарблик меҳмонлар орасида уруш даврида АҚШ ва Буюк Британия ҳукуматларини муваффақиятли бошқарган арбоблар йўқ эди ҳисоб. Франклин Рузвелтнинг 1945 йил апрелида вафот этиши муносабати билан америкаликларға собиқ вitse-президент Гарри Трумен (1945 йилнинг 12 апрелида президентликка сайланган) бош бўлиб келди. Ташки сиёсат борасидаги тажрибасизлиги ва тор дунёқараши унинг рейтингда пастрок ўрин эгаллашға мажбурлигини кўрсатиб қўйди. Ўътиборли жаноб, таникли бош вазир Уинстон Черчилл Гарбий Европада Совет Иттифокининг таъсири қучайиб кетишидан хавфсираган бўлса-да, муҳокама асносида Англияда бўлиб ўтган сайловлардан кейин

хокимият хакида кайгуриш масъулияти унинг бўйнидан сокит килинганлиги маълум бўлди. Чунки лейбористлар етакчиси Клемент Эттли урушдан сўнг ўтказилган биринчи сайловда кўп овоз йиғишга эришди. Хокимият тахтасидаги фарзин(Черчилл) янгиланди. Бу эса КПСС бош котиби Иосиф Сталинга нафакат мезбон сифатида, балки ракиблар кучсизланган дамдек олтин имкониятни тухфа этди. Дохийнинг келажакда ечимини кутаётган сиёсий муаммолар хусусидаги фикрлари кўпрок кучга, тутган ўрни эса кудратлироқ нуфузга эга бўла борди.

Манфаатлар тўқнашуви олдинги конференцияларда зарурият юзасидан четга суриб қўйилгани рост. «Урушда агар дўст бўлсанг, қарор битта бўлиши керак» шioriга антигитлер коалицияси риоя қилиши, ўзбекчасига тушунтирганда бир ёқадан бош чиқариши шарт эди.

Кўп ўтмай уруш деярли тугади. Техникаларнинг асаббузар овозлари оз муддатга бўлса-да тинди. Энди навбат — гоёвий жангларга, бир-биридан ўтиш учун мусобакалашиб, тобора баландлаша бораётган сиёсий шовкин-суронларга етиб келганди.

Буюк Британия мустақиллиги ва колониал бошқарувини саклаб қолиш ҳамда китъада ўз обрўсини тиклаб олиш ҳаракатига тушди. Коммунизм даргалари ҳудудларини немис босқинчиларидан батамом тозалаш, қутилаётган ҳужумларнинг олдини олиш ва Ғарбий Европадаги таъсирини кучайтириш билан овора бўлса, АКШ эркин савдони қайта йўлга қўйиш ва Европа билан муносабатларни барқарорлаштиришдан манфаатдор эди. БМТнинг ташкил этилиши бу борадаги биринчи қадам вазифасини бажариб берди. Унда эҳтимоли бор янги жаҳон уруши маълум муддатга «зарарсизлантирилганди». Техронда ҳам, Ялтада ва Лондонда ҳам иттифокчилар муҳокамаларидан сўнг тинчлик тўғрисидаги битимга имзо чекилгани маълум. Шундан бўлса керак, 1945 йилдан сўнг раҳбарларни ўз юртларида тиклаш ишларини олиб боришдан кўра, нацист тарафдорларини жазолаш кўпроқ кизиктирган. Айниқса, Потсдамда бу ҳол кўзга яққол ташланди, у ерда адолатнинг қарор топишига астойдил ҳаракат қилинди. Давр тарозуси паллалари факат бу билан мувозанатга келмасди, албатта. Хали олдинда чегараларни белгилаш ва бошқа географик масалалар кўндаланг турарди.

Конференция давомида Кенигсберг шахри, Германиянинг ғарбидан то поляклар мулки Лаузиттса-на-Нейсигача бўлган ҳудудларни СССР раҳбарлари ўзиники қилиб олишди. Туб ерликлар ўз жойларини қўчиб келадиган аҳоли учун бўшашиб беришлари зарур эди. Шунингдек, вайрон бўлган зоналарни қайта тиклаш учун Германия ҳукумати 10 млрд. рейхсмарк ҳисобида репаратсия(товон) тўлаши Потсдам ҳужжатларида қайд этилди.

Шунингдек, учта «д» сиёсати, яъни демилитаризатсия, декартелизатсия, денатсификатсия — фашизмни тағ-туғи билан йўқ қилишга қаратилган бўлиб, охир-окибат демократизатсия(тўртинчи «д»)га йўл очиши лозимлиги тўғрисидаги қарорга Ситсилиэнхоф қалъасига ташриф буюрган давлат вакиллари имзо чекишди. Бу билан Германия халқаро муносабатлардан вақтинча маҳрум қилинди. Аслини олганда, коммунистлар ҳам, Ғарб ҳам, расмий қабул қилинган Потсдам меъёрларига ҳеч қачон адолат нуктаи назаридан ёндашишмаган. Бу совуқ уруш даврида кўзга ёрқин ташланди.

Натижа Германиянинг икки хил маънодаги маглубиятини кўрсатиб қўйди. Биринчидан, голиблар маглублар устидан бемалол ҳукм чиқаришлари мумкин эди. Энди ҳеч қандай «рейх бўйиси» уларга ҳалакит бера олмасди. Иккинчидан, ҳужжатлардаги охириги бандлар ҳам нафакат натижа ҳукумати инкирозидан дарак берарди, балки шарманда бўлган, товон тўлашдан қарчаган немис миллий ҳокимиятининг, ватанидан айрилган, қувгиндаги халқ кўз ёшларини жонли ифодаларди. Унинг устига, муҳокамаларда немислар ўзлари устидан чиқарилган ҳукми жим ўтириб тинглашга маҳкум эдилар.

Потсдамда яна шунга қелишилдики, Германия билан голиб давлатлар ўртасидаги алоқаларда янги ҳужумлар ҳавфи борлиги туфайли қатъий ва бешафқат методларга амал қилинди.

Катта уқлик вермахтни уқил-қесил йўқ қилишдан ташқари, ижтимоий ва маданий «қуролсизлантириш» ишларини ҳам жадаллик билан олиб борди. Бундан ташқари, декартелизатсия йўналиши орқали уруш пайтида молиялаштириш ишлари билан шугулланган барча қартел(қарбий-иқтисодий ташкилот, монополистик бирлашма)лар ёпиб қўйилди, герман иқтисодиётини марказлаштиришдан ҳоли этиш, монополияларни йўқотиш ҳақида сўз юритилди. Дастурда сиёсий маданият узок муддат мобайнида реабилитация (қайта тикланиш) қараёнига тайёрланиб қориши ва янги қи қиёфа қасб этмоғи кўзда тутилганди. Табиийки, энг кўп йўқотишга учраган ва қисли қўрилмаган талофатдан зарар қўрган ҳамда шу орқали қалабани таъминлаган Совет Иттифоқи Потсдам(Берлин) конференцияси бақонасида Европанинг муқлак қегемон давлатига айланди. Бошқалар Франциянинг Шимолий Африқадаги муқамлақаларини, кейинчалик Италияни душман иқсанжасидан ҳалос этаётган ва 1944 йилнинг ёзида франтсузларга енгил нақас олиш насиб қилган бир пайтда, Қизил Армиянинг Европадаги таъсири ниҳоятда қучайиб қетди. Шунга қараша Москва томонидан бошқариладиган ер майдони ҳажми ҳам қенгайиб борди. Ўша пайтда қорий вазиятни Черчилл тинмай танқид қилган бўлса-да, Рузвелт қелажак ҳамқорлиғига путур етмасин дея СССР билан сан-манга қоришни иқамасди. Расмий қелишувлар(қусусан, Потсдамда ҳам)нинг дейрли ҳаммаси идеал қарама-қаршилиқларни номигагина бекитиш учун қизмат қилган, ҳолос. Қин маънода фикрлайдиган бўлсак, уруш давридаги ва ундан кейинги қар бир муқоқа аслида қўқараётган «совуқ уруш қўқати»даги кўз очаётган қуртақдан бошқа нақса эмасди. Масалан, «демократизатсия» сўзи қапталистар учун эркин овоз қеришни анқлатган бўлса, Шарқда, таассуфки, яққа ҳоқим коммунистар бунга йўл қўймасди. Ёқи америкаликларнинг Германиядан қатта миқдорда товон талаб қилмаганини олиб қўрайлик. Боиси қелажакда немис ҳалқи улар учун бош оғрик, боқиманда бўлиб қолишидан қўқишган. Бироқ социалистар мамлақатда ҳукм сураётган қашшоқликдан қелиб қикиб, яқсон бўлган душман ҳудудидаги охириги муравтни ҳам ташиб қетишди.

Шунга қарамасдан, Сталиннинг учрашувдан кейинги яққол ҳукмронлиги узокқа қўзилмади. Трумен қўлида янги яратилган, синаб қўрилган атом бомбаси «Халқлар отаси»нинг кўп орзуларини қиппаққа қикарди. Совет разведка қизмати ҳаммасини синқовлик билан қузатиб борган бўлса ҳам бош қотиб океан ортидагиларга муносиб қавоб қеришни неқадир жоиз деб топмади. Леқин қар иққи томон ҳам умумнемис ҳукумати қи назорат қенгаши ақосида бақоли қудрат бошқариб туришарди.

Гарбликлар чегара масаласида юмшок ва яширин сиёсат олиб боришди. Собик Иттифок эса тузум хусусиятидан келиб чикиб, худудларни катъий белгилаб олди ва ГДР ташкил топганини эълон килди.

Умуман олганда, Берлин конференциясида имзоланган хужжатлар узок йиллар давомида тинчликни саклаб туриш учун хизмат килди. Аммо совук уруш даврида кунботар юрт вакиллари Потсдам келишувини кайтадан кўриб чиқишга уринишди. Улар КПнинг бир катор мамлакатлар устидан юргизаётган назоратини кучсизлантирмоқчи эдилар. Бу ишни амалга оширишда 1989—90 йилларда рўй берган емирилиш ёрдам бериб юборди. Натижада Потсдамда қабул килинган бир катор ҳуқуқий меъёрлар ўз кучини йўқотган бўлса, бошқаларига ўзгартириш киритилди. Мисол учун, 2+4 шартномаси ва Берлин деворининг бузиб ташланиши (1989 йил охири), ГДР ва ГФРнинг 1990 йил 3 ноябрда ўзаро бирлашишига олиб келди. Сабаби федерал республиканинг сиёсий маданияти кўшнисиникига нисбатан анча илгарилаб кетганди. Иқтисодий ютуқлар демократик республикада истикомат килувчи аҳолини федералчиларга хавас қилишга ундади. Хуллас, бирлашув Ситсилиэнхофда амалга татбиқ килинган барча санкцияларни бекор килди. Демак, 1945 йилнинг 17 июлидан 2 августигача Берлин яқинидаги собик Гогентсоллернлар саройида ташкил этилган конференцияда «Герман милитаризми ва натсизми тикланиши ёки қайта ташкил этилишининг абадий олдини олиш учун» муҳим ҳуқуқий нормативлар кучга кирганди.

Саиджон Махсумов тайёрлади